

ТЕХНОЛОГИЯ ФАНИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ТАЪЛИМ НАТИЖАЛАРИНИ ТАШХИСЛАШГА ЎРГАТИШДА БИЛИМЛАР УЗВИЙЛИГИ ВА УЗЛУКСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Юсупов Мухаммад Махмудович – А.Қодирий номидаги ЖДПИ,
Технологик таълим кафедраси ўқитувчиси, Ўзбекистон

Аннотация. Ушбу мақолада таълим натижаларини ташхислаш ва баҳолашда танладиган принциплар, назоратнинг турлари, ўзига хос жиҳатлари, таълим натижаларини ташхислаш ва баҳолаш жараёни билан бўлажак Технология фани ўқитувчиларини тайёрлаш жараёни орасида узвийлик ва узлуксизлик, бўлажак Технология фани ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида уларга тақдим этиладиган педагогик-психологик билимлар ҳақида фикр юритилган.

Таянч сўзлар: бўлажак ўқитувчи, узвийлик, узлуксизлик, ташхислаш, баҳолаш, назорат, ўқув жараёни, таълим натижалари, принцип, қадриятли ёндашув, билим, кўникма, малака, компетенция.

Аннотация. В этой статье обсуждаются принципы, типы контроля, особенности, преемственность и преемственность между процессом подготовки и оценки будущих учителей технологии, педагогические и психологические знания, которые будут предоставлены будущим учителям технологии в процессе выявления и оценки результатов обучения. был выполнен.

Ключевые слова: будущий учитель, последовательность, преемственность, диагностика, оценка, контроль, учебный процесс, результаты обучения, принцип, ценностный подход, знания, навыки, компетентность.

Annotation.This article discusses the principles, types of control, features, continuity and continuity between the process of preparing and evaluating future technology teachers, pedagogical and psychological knowledge that will be provided to future technology teachers in the process of identifying and evaluating learning outcomes. It was performed.

Keywords: future teacher, sequence, continuity, diagnostics, assessment, control, educational process, learning outcomes, principle, value approach, knowledge, skills, competence.

Таълим натижасини ташхислаш ва баҳолашда муайян принципларга таяниш талаб этилади. Бунинг учун бўлажак ўқитувчилар педагогика олий ўқув юртларидаёқ ушбу принциплар билан яқиндан танишишлари, амалий фаолиятда уларга таяниш тажрибасига эга бўлишлари талаб этилади. Худди мана шундай принциплар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Ташхислаш учун зарур бўлган тест топшириқлари, саволларнинг мазмунида объективликни таъминлаш лозим. Ташхислаш тадбирларини амалга оширишда ўқитувчи билан синфдаги ўқувчилар орасида дўстона муносабат ҳукм суриши зарур. Ўқувчиларнинг таълим натижасида ҳосил қилган билим, кўникма, малака ва компетенциялари муайян мезонлар ёрдамида аниқланади. Ташхислашнинг амалий жиҳатдан объективлиги назорат методлари ва воситаларидан қатъий назар қўйилган баҳонинг ўзаро мувофиқ келишида намоён бўлади. Ташхислашни амалга оширадиган педагоглардан бунга алоҳида эътибор қаратишлари талаб этилади.

2. Баҳолашнинг тизимлилиги ўзида ташхислаш дидактик жараёнининг барча босқичларида назоратни амалга оширишни тақозо этади. Бунда билимларни дастлабки идрок этишдан уларни амалий жиҳатдан қўллашгача бўлган узлуксиз жараён қамраб олинади.

3. Кўргазмалилик, очиқлик принципи эса барча таълим олувчиларни ягона мезон асосида синовдан ўтказишда ўз ифодасини топади. Ташхислаш жараёнида ҳар бир ўқувчининг ўрнатилган рейтинги кўргазмалилик, очиқлик характериға эга бўлиб, натижаларни ўзаро қиёслаш имконини бериши керак. Очиқлик принципи баҳоларни ошкор этмаслик ва асослашни ҳам талаб қилади. Баҳо воситасида ўқувчилар ўқитувчининг объективлиги ва улар олдиға қўйилган талабларни англашға йўналтириладилар. Мазкур принципни амалга оширишнинг зарур шартларидан бири ташхислашнинг муайян босқичида олинган натижаларни ошкор қилишни талаб этади. Бу натижалар ўқувчиларнинг ўзлари, уларнинг ота-оналари билан муҳокама қилиниши, шу асосда бўшлиқларни тўлдириш режалари тузилиши керак. Мазкур принциплар асосида ўқувчиларнинг билимдонлик ва компетентлилик

даражаларини назорат қилиш ўзининг муайян босқичлари ва бўғинларига ҳам эга.

Ўқувчиларнинг ўзлаштирган билим, кўникма, малака ва компетенцияларини ташхислаш, назорат қилиш, текшириш ва баҳолаш муайян мантиқий изчиллик асосида амалга оширилади, уларни ўрганиш ҳам ўзига хос тарзда кечади. Ўрганиш, ташхислаш ва баҳолаш босқичлари орасида муайян узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш зарурлигини бўлажак ўқитувчилар аниқ тасаввур эта олишлари лозим. Чунончи:

1. Текшириш тизимида ўқувчиларнинг билим даражаларини олдиндан аниқлаш тадбири амалга оширилади. Ўқув йили бошида тўлдирувчи, мослаштирувчи ўқув жараёни ташкил этилади. Бу тадбир ўқув йилининг дастлабки кунларидаёқ ўқувчилар билимидаги бўшлиқни тўлдиришни назарда тутди. Шу билан бир қаторда бундай тадбирларни ўқув йили ўртасида, ўқув дастурининг янги бўлимини бошлаш олдиндан ҳам амалга ошириш мумкин.

2. Ўрганилаётган ҳар бир мавзу якунида, янги мавзунини ўтишдан олдин жорий текшириш амалга оширилади. Гарчанд бу тадбир дарсдан дарсга узлуксиз тарзда амалга оширилсада, ўқув дастурининг алоҳида қисмлари бўйича ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаларини ташхислаш имконини беради. Ўқувчилар билимини жорий назорат қилишнинг асосий вазифаси таълимий характерга эга. Бундай текширишнинг методлари ва шакллари турли-туман бўлиши мумкин. У муайян педагогик омиллар билан изоҳланади. Бундай омиллар сирасига ўқув материалининг мазмуни, унинг мураккаблик даражаси, ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ва тайёргарлик даражаларини киритиш мумкин. Шу билан бир қаторда ўқув жараёнининг даражаси, мақсади, амал қиладиган муайян педагогик шарт-шароитлар ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

3. Такрорий текшириш ҳам жорий назорат каби муайян мавзуларни ўрганиш доирасида амалга оширилади. Ўқувчилар янги мавзунини ўрганиш билан бир вақтда ўтилган мавзунини ҳам такрорлайдилар. Шу асосда уларнинг

билимларни ўзлаштириш даражасида узвийлик ва узлуксизлик таъминланади. Бу тадбир билимларни мустаҳкамлаш имконини беради, бироқ ўқув иши динамикасини тавсифлаш ва таъминлашга асос бўла олмайди. Шунга кўра, бу ўринда таълим натижалари ташхисланиб, унинг самарадорлиги аниқланади. Бундай текширишнинг самараси уни ташхиллашнинг бошқа турлари ва методлари билан уйғунлаштирилгандагина намоён бўлади.

4. Даврий текшириш босқичида ўқувчиларнинг ўзлаштирган билим, кўникма, малакалари ўқув дастуридаги муайян мавзу ёки ўқув курси бўлимларини ўрганиш жараёнида амалга оширилади. Бундан кўзланадиган асосий мақсад ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражалари сифатини назорат қилиш ҳамда унинг ўқув материалларининг таркибий қисмлари билан алоқадорлигини ойдинлаштиришдан иборат. Даврий текшириш ўқувчилар ўзлаштирган билимларни тизимлаштириш ва умумлаштиришни назарда тутди.

5. Якуний текшириш ва ўқувчиларнинг ўзлаштирган билимлари ва кўникмаларини ҳисобга олиш босқичида уларнинг дидактик жараённинг барча босқичларида ўрганган билим, кўникма, малакалари, улар орасидаги узвийлик ва изчиллик ҳисобга олинади. Якуний текшириш ҳар бир ўқув чораги ва ўқув йили якунида амалга оширилади.

Текширишнинг мақсади шундан иборатки, ушбу жараёнда нафақат ўқувчиларнинг компетенцияларни ўзлаштирганлик даражалари ва унинг сифатини аниқлашдан иборат, балки улар томонидан ўзлаштирилган ўқув меҳнатининг кўлами ҳам аниқланади.

Текширишнинг асосий дидактик вазифаси қуйидагиларда намоён бўлади:

- а) ўқитувчи билан ўқувчилар орасида тесқари алоқани таъминлаш;
- б) ўқитувчиларнинг ўқув материални ўзлаштирилганлик даражаси ҳақида объектив маълумотга эга бўлиш;
- в) ўқувчиларнинг билимларидаги бўшлиқни ўз вақтида аниқлаш.

Ташхислаш тадбирлари қўйидаги мақсадларни амалга оширишни назарда тутди:

1. Текшириш.
2. Баҳолаш.
3. Натижаларни белгилаш.

Ўқитувчи қўйилган баҳо учун масъулдир. Бу ўринда “белгилаш” ва “баҳолаш” тушунчаларини фарқлаш лозим.

Баҳо - режалаштирилган мақсадга асосланган аниқ натижаларга алоқадор ҳодиса ҳисобланади.

Белги эса мазкур жараённинг натижаси, унинг шартли шаклий ифодаси бўлиб, субъектив фикр, таассуротларни акс эттиради. Белгининг вазифалари сирасига қўйидагилар киради:

- Ўқув материални қай даражада ўзлаштирилганлигини назорат қилиш;
- Йўналтирувчилик ҳаракатларини амалга ошириш;
- Ўқувчининг муайян ўқув предмети бўйича шуғулланиш ёки шуғулланмаслигини аниқлаш;
- Ўқувчининг ўрганилган ўқув материали учун қандай баҳо олганлигини ифодалаш;
- Жазолаш учун асос бўладиган ҳолатларни аниқлаш;
- Бошқарувчилик ҳаракатларини амалга оширишга имконият яратиш, яъни ўқувчини ижобий баҳо олишга ундаш кабилар.

Белгининг асосий вазифаси назорат қилиш ва йўналтиришдан иборат. Назорат қилиш вазифаси таълимнинг барча босқичларида амалга оширилади. Бунинг учун ўқувчилар якуний, дарсда бажариладиган назорат ишлари, мустақил ишларнинг турли шакллари ва турларидан фойдаланиш, текшириш характеридаги уй вазифаларини топшириш усулларида фойдаланадилар. Агар белгилашнинг мазкур функцияси тизимли, объектив, барча педагогик омилларни батафсил ҳисобга олган ҳолда амалга оширилмаса ўз моҳиятини йўқотади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, муайян ҳолатни белгилашда ўқитувчи унинг мазмунини кенгайтиришга ҳаракат қилади. У фақатгина

таълим натижаларини ташхислаш ва баҳолашдан иборат бўлиб қолмасдан, унинг ахборотлар билан таъминланганлиги, яъни ўқувчилар нимани билишлари ёки билмасликларини аниқлашга ҳам эътибор қаратилади. Шу билан бир қаторда ўқитувчи ушбу жараёнда ўқувчиларнинг ўқув меҳнати, таълим муассасасидаги кундалик фаолиятига бўлган муносабатини ҳам ҳисобга олиши керак. Бунда ўқувчиларнинг тартиблилиги, интилувчанлиги, интизомлилиги, дарслардаги умумий фаоллиги, ўқув предметига бўлган қизиқиши, ижодий лаёқатлари кабилар назарда тутилади.

Белигилашнинг муҳим вазифаларидан яна бир йўналтирувчиликдир. Бу сифат ўқувчини ўз фаолиятини мустақил такомиллаштиришга ундайди. Қўйилган баҳога қараб йўналиш олган ҳолда ўқувчи ўз хулқ-атвори, хатти-ҳаракатларини ўзгартиради ва яхши баҳо олишга интилади. У ўзининг салбий баҳоларини тузатиш, дарсларда фаол бўлиш, ўқитувчининг барча талабларини мунтазам бажаришга ҳаракат қилади.

Баҳонинг йўналтирувчилик ва назорат қилувчилик вазифаси ўзаро уйғунликда намоён бўлиши керак. Агар бу уйғунлик бузилса, баҳо ўқувчининг хулқ-атворини бошқариш имкониятига эга бўлмайди. Бундай вазиятларда ўқувчи салбий баҳога эътибор бермайди. У баҳога бефарқ бўлиб, ўқув жараёнига бўлган қизиқишини йўқотади ва ўзи учун фаолиятнинг бошқа, қизиқарли турини излашга ҳаракат қилади. Бундай вазиятда баҳонинг назорат қилувчилик ва йўналтирувчилик вазифалари ёмон баҳодан кўрқиш ёки унга эътибор бермаслик, уни назарга илмасликка олиб келади. Бундай вазиятларда баҳо ўзининг асосий вазифасини бажара олмай қолади.

Ўқувчилар кўпроқ иш жараёнини қадрлай бошлайдилар, ўқитувчи эса таълимнинг яқуний натижаларига қизиқади. Албатта, ҳар қандай ўқув жараёнида кўзланган натижага эришиш мақсади илгари сурилади. Агар ўқувчилар топшириқлар устида қанчалик жиддий ўйласалар ҳам, уни еча олмасалар ўқитувчи уларга юқори баҳо қўймайди. Бироқ ўқувчиларнинг изланишлари, ўй-фикрларини баҳолаш ҳам ниҳоятда зарур ҳисобланади.

Бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда худди мана шу мақсад устувор бўлиши лозим.

Таълим жараёнини ташкил этишда қадриятли ёндашувга таяниш бугунги куннинг долзарб педагогик муаммоси ҳисобланади. Маълумки, қадриятли ёндашув асосида ташкил этилган таълим жараёни ўз-ўзидан ўқувчиларга инсонпарварлик нуқтаи назардан ёндашган ҳолда уларни ҳар томонлама ривожлантиришни назарда тутди. Бунинг учун ўқувчилар ҳамкорликдаги ўқув фаолиятини амалга оширишлари, шу асосда аниқ ўқув материалларини ўзлаштиришлари лозим. Муайян ёшда ўқувчилар аниқ бир фаолият турини эгалашга муваффақ бўладилар. Бунда технология таълими алоҳида аҳамиятга эга. Чунки технология таълими жараёнида ўқувчиларда муайян касбларга қизиқиш, меҳнат кўникмалари ҳосил қилинади. Таълим жараёни билан ўқувчиларнинг руҳий ривожланиши орасидаги мутаносиблик ҳамкорликдаги ўқув фаолияти орқали таъминланади. Чунки ўқув жараёни педагогик жиҳатдан махсус йўналтирилган жараён бўлиб, унда ўқувчилар биргаликдаги ўқув фаолиятини амалга оширадилар. Улар технология таълими жараёнида амалий меҳнат ҳаракатларини амалга оширадилар. Бу ўринда Технология фани ўқитувчиси ўқувчиларнинг руҳий ривожланишлари асосида уларнинг ташқи фаолиятлари билан боғлиқ ҳаракатлари ички ривожланиш имконини беришини яхши билиши лозим. Шу асосда уларда когнитив фаолият тажрибаси, тафаккур, идрок ривожланади. Бундай фаолият натижасида ўқувчиларда билиш қизиқишлари шаклланади. Демак, ўқувчини ривожлантириш, биринчи навбатда, унинг ҳамкорликдаги фаолиятини тўғри ташкил этишни талаб қилади. Ўқувчи ўқув материални сусткашлик билан идрок қилганида ривожланиш кузатилмайди. Ўқувчиларнинг айнан шахсий ҳамкорликдаги фаолиятлари уларнинг истиқболда уларда меҳнат кўникмалари ва касбий лаёқатларнинг шаклланишига асос бўлади. Шунинг учун ҳам қадриятли ёндашув асосида ташкил этилган таълим жараёнида ўқувчиларни ҳамкорликдаги фаолиятга йўналтириш уларнинг тараққиётини таъминлашда муҳим омил бўла олиши ҳақидаги билимларга бўлажак

Технология фани ўқитувчилари олий таълим жараёнида эга бўлишлари лозим. Шу билан бир қаторда бўлажак Технология фани ўқитувчилари мактаб ўқув дастурлари, дарсликлар билан ишлаш, иккиламчи дидактик лойиҳалар, ишланмалар тайёрлаш, ўзлари эгаллаган билимларни педагогик амалиёт даврида таълим жараёнига татбиқ этиш, технология таълими натижаларини ташхислаш ва баҳолаш компетенцияларига эгалликларини амалий жиҳатдан намоён қилишга хизмат қиладиган педагогик-психологик билимларни ҳам узлуксиз тарзда ўзлаштирган бўлишлари керак.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Джураев Р.Х. Особенности деятельности современного педагога профессионального образования // “Таълим муаммолари” Тошкент. 2014. № 4., Б.14-16.
2. Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари: Пед. фан. докт. ... дисс. – Т.: 2007. – 357 б.
3. Уразова М.Б. Бўлажак касбий таълим педагогини лойиҳалаш фаолиятига тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш. Докт. ... дисс. автореф. – Тошкент: 2015. – 79 б.
4. Юсупов Э. Қадриятлар ва уларнинг жамият тараққиётидаги роли.- Т.: 1995.- 123 б.
5. Қодиров Б.Р., Қодиров К.Б. Касбий ташхис методлари тўплами: амалиётчи психологлар учун методик кўлланма. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий Университети, 2003. – 94 б.
6. Ҳайдарова О.Қ. Бўлажак ўқитувчиларни таълим жараёнига технологик ёндашувга тайёрлаш: Пед.фан.номз. ... дисс.автореф. – Т.: 2004. – 23 б.